

Мамлакатимиз барча йўналишларда жадал ривожланыпти. Яқин ўтмишда иқтисодийетимиз ҳажмини 100 миллиард долларга етказиш жуда катта марра бўлиб кўринган бўлса, 2025 йилда ялпи ички маҳсулот ҳажми 145 миллиард доллардан ошди. Бу кўрсаткични 2030 йилгача 240 миллиард доллардан ошириш режалаштирилмақда. Мана шундай улкан мақсад ва келажақ дастурларини белгилаб олиш, уларни амалга оширишда Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномаси муҳим аҳамиятга эга. Давлатимиз раҳбарининг навбатдаги Мурожаатномаси халқимиз ва жамият кайфияти, юртдошларимизнинг хоҳиш-истаклари, манфаатларини ифода этган сиёсий чиқиш сифатида кенг жамоатчилик эътирофига сазовор бўлмақда.

Давоми 2-бетда

2016 йил 19 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида”ги қонунга кўра, 8 январь — Ўзбекистонда прокуратура органлари ходимлари кунини этиб белгиланган. Шундан буён бу сана юртимизда кенг нишонлаб келинмоқда.

Прокуратура органлари — мамлакатда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида изчил фаолият юритмоқда.

Прокруратура органларининг бугунги фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президентини раҳбарлигида амалга оширилаётган ислохотлар, жумладан, янги таҳрирдаги Конституция талабларининг тўлиқ ва сўзсиз бажарилишини таъминлаш, барча соҳаларда қонунийлиқни мустаҳкамлашга йўналтирилган.

Ижтимоий соҳадаги қонунчилик ижроси устидан назорат йўналишида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, бандлигини таъминлаш ва эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда камбағаллиқни қисқартириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Иқтисодий соҳада қонунийлики мустаҳкамлаш, айниқса, инвестиция дастурлари ижросини сўзсиз таъминлаш, энергия ресурслари талон-тарож қилинишининг олдини олиш, яширин иқтисодиёт шаклланишининг турли усул ва каналларини аниқлаш ҳамда уларга барҳам бериш борисида тизимли ишлар рўёбга чиқарилмоқда.

Тадбиркорлар ва хорижий инвесторларга янги шартларни устуворлиги, шунингдек, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш борасида амалий кўрсатилмоқда.

Прокурорларнинг суд процессларидаги таътироки, коррупцияга қарши курашиш боасида кўриладган чоралар, жиноятчилик а ҳуқуқбузарликка қарши курашиш, тергов а тезкор-қидирув фаолияти бўйича амалга аширилган ишларга алоҳида эътибор қара- лаётир.

Давоми 2-бетда

**ТАДБИРКОРЛИККА
РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ**

МУҚОБИЛ ЙЎНАЛИШ

4

Бугунги даврга келиб,
жамиятимизда илм-
фан ва технологиялар
соҳасида юксак
даражада таракқиётга
эришилган бўлса-да,
инсон ҳуқуқлари
ва манфаатларини
таъминлаш борасида
талайгина вазифалар
хамон ўз ечимини
кутмоқда.

Биргина камбағаллик муаммосини олайлик. БМТ маълумотига кўра, бугунги кунда дунёда 1 миллиард 100 миллион аҳоли камбағалликда умр кечирмоқда. Бу дунёда шунча аҳоли озик-овқат, кийим-

кечак, уй-жой, тиббий хизмат ва таълим олиш билан боғлиқ эҳтиёжини қондириш учун етарли даромад ва ресурсларга эга эмаслигини англатади. Табиийки, бу тўла қонли ҳаёт кечиришга тўсқинлик қилади

Бундан, энг аввало, аҳолининг заиф қатлами — болалар, ногиронлиги бор инсонлар азият чекапти. Ер юзида кузатилаётган иқлим ўзгаришлари, сув танқислиги, пандемиялар, дунёдаги геосиёсий, иқтисодий ва

ижтимой беқарорлик бу жараёнларни яна-да қийинлаштирмоқда.

Ушбу ҳолатларни бартараф этиш, дунёда тенглик ва адолатли таъминлаш учун БМТ томонидан Барқарор ривожланиш мақсадлари ҳақида муҳим ҳужжат қабул қилинган. Унга кўра, 2030 йилгача глобал миқёсда камбағилликка барҳам бериш ушбу мақсадларнинг биринчиси сифатида белгилан олган.

Мазкур таъминланиш рўёбга чиқариш барча давлатлар, халқаро ташкилотлар, умуман жаҳон ҳамжамияти олдида янги ва долзарб вазифаларни қўйиб, уларга ечим топиш бўйича тезкор қарорлар қабул қилишни тақозо этмоқда.

Давоми 3-бетда

**“Ўзбекистон — 2030”
стратегияси мамлакатимизнинг
ўрта ва узоқ муддатли
тараққиёт йўналишларини
belгилаб берувчи асосий
дастурий ҳужжат ҳисобланади.
У давлат сиёсатида барқарорлик,
изчиллик ва узоқни кўзлаб
режалаштириш тамойилларини
мустаҳкамлаган ҳолда, янги
Ўзбекистонни барпо этишга
қаратилган ислохотларнинг
стратегик асосидир.**

Сўнги йилларда мамлакатимизда «Ўзбекистон — 2030» стратегияси доирасида амалга оширилган кенг қўлми ишловлар натижасида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, давлат бошқаруви, суд-хуқуқ тизими, фуқаролик жамияти ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳаларида салмоқли натижаларга эришилди. Бироқ ҳаёт бир жойда тўхтаб қолмайди: жамият эҳтиёжлари кенгайибора, глобал иқтисодий, технологик ва

геосиёсий жараёнлар янги талаб ва чақириқларни кун-
тартибига қўймоқда.

Шу боис, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини мавжуд реал шароит, аҳоли эҳтиёжлари ҳамда жадал ўзгараётган глобал тенденциялардан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш объектив зарурат сифатида намоён бўлаётир.

Давоми 2-бетда

Ўз тараққиёт йўлини аниқ белгилаб олган, келажагини узокни кўзлаб режалаштираётган бугунги Ўзбекистонда ёшлар масаласи ислохотларнинг асосий таянчи, энг катта ишонч манбаи ва стратегик ресурс сифатида кўрилаётгани бежиз эмас. Аҳолиси 38 миллиондан зиёд бўлган мамлакатда демографик жараёнларнинг фаоллиги, ҳар йили ўртача 1 миллиондан ортиқ йигит-қизнинг катта ҳаётга қадам босаётгани жамият олдида мутлақо янги масъулият ва вазифаларни қўймоқда.

Шу маънода, ёшларга оид давлат сиёсати ижтимоий ривожланишнинг алоҳида йўналиши сифатида баҳолашни табиий. Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида ёшларга юксак баҳо ва ишонч билдирилиб, таълим, илм-фан, маданият, санъат, спорт ва бошқа соҳаларда эришяётган ютуқлари янги Ўзбекистон тараққиётида муҳим омил сифатида эътироф этилгани ҳам шундан dalolat.

Ортада қолган жыл ҳам ёшларга оти давлат сёсатини амалга ошириш жарайни мазмунан янги ёсаткича кўтарилгани билан ёдда қоларли бўлди. Бу даврда ёшлар билан ишлаш умумий чақирилқар, самараси кам, ёшкча ёндашувлардан воз кечилиб, асосий ётибтор тизимлиликка, манзиллиликка ва яхро учун аниқ масъулият белгилашка қаратилди. Ёшлар масаласи ижтимоий муаммо эмас, балки ёсочилиқадиган ва натижаси баҳоладиган сёсий йўналиш сифатида кўрила бошлади. Шу сабаб ёшлар сёсатининг институционал асослари мустаҳкамланди, амалий механизмлар эса ҳаётта яқинлаштирилди.

Ўз тараққиёт йўлини аниқ белгилаб олган, келажагини узокни кўзлаб режалаштираётган бугунги Ўзбекистонда ёшлар масаласи ислохотларнинг асосий таянчи, энг катта ишонч манбаи ва стратегик ресурс сифатида кўрилаётгани бежиз эмас. Аҳолиси 38 миллиондан зиёд бўлган мамлакатда демографик жараёнларнинг фаоллиги, ҳар йили ўртача 1 миллиондан ортиқ йигит-қизнинг катта ҳаётга қадам босаётгани жамият олдида мутлақо янги масъулият ва вазифаларни қўймоқда.

Давоми 5-бетда

Бошланиши 1-бетда

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ
АРХИТЕКТУРАСИГА ЧУҚУР СИНГДИРИЛГАН,
ОРТГА ҚАЙТМАС ЖАРАЁНЛАР

Президентимизнинг тарихий Мурожаатномасида мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичига доир устувор йўналишлар белгилаб берилди.

Илҳом СУВОНОВ,
Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар
инститuti илмий котиби,
фалсафа фанлари доктори, доцент

Бугун янги Ўзбекистон жадал ва ҳар томонлама ривожланишнинг қизгин палласига кирди. Бу жараён тизимли хусусиятга эга, давлат ва жамият ҳаётининг барча йўналишларини: иқтисодиёт, саноатдан тортиб, ижтимоий сиёсат, гуманитар соҳа, фан-таълим, маданиятгача қамраб олган.

Ислохотлар ягона мантиқий тизим асосида амалга оширилмоқда. Унда ҳар бир қарор аввалгиси билан узвий боғлиқ, улар узоқ муддатли натижага хизмат қилиши билан аҳамиятли.

Барча ўзгаришларнинг асосида инсон шашни, қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш ётади. Бу шунчаки декларация эмас, балки давлат сиёсати, ижтимоий стандартлар ва бошқарув фалсафасини қайта кўриб чиқишда амалий йўналиш бўлиб хизмат қилмоқда.

Эътиборлиси, бугунги ислохотлар алоҳида бир ташаббус ёки қарорлар кўринишидагина мавжуд эмас, улар давлат бошқаруви архитектурасига чуқур сингдирилган, ортга қайтмас жараёнлардир.

Ҳар бир йўналиш бўйича кенг қўлмалли дастурлар амалга оширилмоқда. Узоқ муддатли стратегиялар шакллантирилиб, салмоқли ички ва ташқи инвестициялар жалб этиляпти.

Ўзбекистон институционал ривожланиш, шаффоф қоидаларни жорий этиш ҳамда ҳокимият тармоқлари ўртасида масъулиятни аниқ тақсимлаш йўлидан изчил бормоқда. Айнан шу институционал барқарорлик мамлакатимизнинг асосий капиталига айланган.

Айниқса, ислохотлар пойтахт билан бир қаторда барча ҳудудларни: аҳоли зич яшайдиган вилоятлардан тортиб, олис манзилларгача бирдек қамраб олаётгани муҳим аҳамиятга эга. Ҳудудий ривожланиш, саноатлаштиш, инфратузилмани модернизация қилиш, тадбиркорлик ва бандликни қўллаб-қувватлаш иқтисодий ўсиш ва ижтимоий барқарорликнинг мустаҳкам пойдеворини шакллантирмоқда.

Жаҳон сиёсий-ҳуқуқий амалиётида давлат раҳбарининг парламентга мурожаатномаси муҳим демократик институтлардан бири ҳисобланади. У ривожланган мамлакатларнинг аксариятида стратегик режалаштириш, сиёсий жавобгарлик ва ҳокимият тармоқлари ўртасидаги мувофиқликни таъминлаш воситаси сифатида қўлланилди.

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Мурожаатнома бу — шунчаки нутқ эмас, у бир вақтнинг ўзида ўтган фаолият учун ақун ва ҳулоса чиқарадиган ҳамда келажак кун тартибининг белгилар берадиган дастурий, сиёсий, ҳуқуқий ҳужжатдир.

Шунингдек, у қонун ижодкорлиги фаолияти учун йўналишларни белгилайди, ижро ҳокимияти устувор вазифаларини аниқлайди ҳамда

ПРОКУРАТУРА ХОДИМЛАРИ
ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ВА АДОЛАТ
ТИМСОЛИ БЎЛИШИ, ХАЛҚ ИШОНЧНИ
ОҚЛАШИ ЗАРУР

Бошланиши 1-бетда

Соҳа ходимларининг машаққатли ва масъулиятли фаолиятида эришилаётган шу каби ютуқлар сана муносабати билан “Туркистон” санъат саройида ташкил этилган тантанали тадбирда эътироф этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентини матбуот котиби Шерзод Асадов давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг прокуратура органлари ходимлари ва фахрийлариغا байрам табригини ўқиб эшиттирди.

Қутловда сўнгги йилларда прокуратура органлари фаолиятида амалга оширилган ислохотлар натижасида улар халққа яқин бўлиб, инсон қадрини, ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини беэвосита жойларда таъминлаётган тизимга айланиши алоҳида таъкидланди.

Хусусан, ўтган йилда қарийб 512 минг нафар фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тиклангани, 54 мингга яқин мурожаат, жумладан, 29 мингга яқин тадбиркорнинг масалалари ижобий ҳал этилгани прокуратура органлари фаолиятининг самарадорлигини яққол кўрсатиб турибди.

Бугунги кунда Мурожаатнома энди фақат депутатларга қаратилган мурожаат эмас, балки у мамлакат аҳолиси билан тўғридан тўғри мулоқот ҳамда халқаро ҳамжамиятга йўналтирилган овозга айланди.



“Мурожаатномада илгари сурилган ҳар бир ташаббус замирида инсон қадрини улуғлаш, иқтисодий ўсишни ижтимоий адолат билан уйғунлаштириш ва давлат бошқарувида ҳисобдорликни кучайтириш гоёлари борлиги эътиборга молик.



Дадажон ИСАҚУЛОВ,
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси бошлиғи

ЮРТДОШЛАРИМИЗ ҲАЁТИНИНГ
ФАРОВОНЛИК ДАСТУРИ

Бошланиши 1-бетда

Такомиллашаётган стратегия марказида давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган фундаментал ғоя — “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” тамойили туради.

Янги таҳрирдаги стратегия айнан шу ғояни амалий мазмун билан бойитган ҳолда, мамлакатимизнинг ўрта муддатли ривожланишини янада самарали, натижага йўналтирилган ва ҳисобдор тизим асосида давом эттиришни кўзлайди. Бунда ҳар бир қарор, ҳар бир ислохот инсон манфаати, унинг ҳаёт сифати ва фаровонлиги нуқтаи назаридан баҳоланади.

Ҳужжатни такомиллаштириш жараёнида амалдаги стратегия доирасида эришилган натижалар чуқур таҳлил қилиниб, мавжуд муаммолар ва ечим талаб қилаётган йўналишлар аниқланяпти. Шу билан бирга, мақсад ва вазифаларни аниқ ўлчаш ҳамда баҳолаш имконини берувчи самарадорлик кўрсаткичлари қайта кўриб чиқилмоқда.

Стратегиянинг принципиал янгилиги шундаки, унда ҳар бир мақсад учун масъул давлат органи ёки ташилот очик ва равшан белгилаб қўйилади.

ҲУҚУҚИЙ ТАФАККУР, БИЛИМ ВА
БАРҚАРОР ЮКСАЛИШ

Биз бугун 38 миллиондан зиёд аҳолига эга бўлган, ўз тақдирига бефарқ бўлмаган, эртанги кунга ишонч билан қарайдиган, ғурури баланд халқмиз. Бу шунчаки рақам эмас, балки улкан интеллектуал, маънавий ва иқтисодий салоҳиятдир. Президентимиз таъкидлаганидек, биз ўзгаришларни кутиб яшамаймиз, аксинча, уларни ўз ақл-заковатимиз ва масъулиятли меҳнатимиз билан яратамиз.



Ахтам ЯКУБОВ,
юридик фанлар доктори, профессор

Ана шу фалсафа асосида шаклланган Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатнома мамлакат тараққиётининг янги босқичини белгилаб берди. Айниқса, 2026 йилга мўлжалланган ислохотларда таълим, ёшлар, касбий тайёргарлик, рақамлаштириш ва маҳалла тизими ўзаро уйғун ҳолда таҳлил этилиб, шунга мос режалар белгиланган билан алоҳида аҳамият касб этди.

2026 йилнинг “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилиниши тасодифий эмас. Чунки маҳалла фақат ҳудудий бирлик эмас, балки ижтимоий капитал, бирдамлик мактаби, тарбия ва ҳамжихатлик манбаидир.

Ижтимоий сўровларга кўра, аҳолининг 90 фоизи ўзини маҳалла жамоасининг ажралмас қисми деб ҳисоблаши жамиятда Ватан тақдирига дахлдорлик туйғусининг юксаклигини кўрсатади. Демак, маҳалла тинч бўлса — жамият тинч бўлади, маҳалла ривожланса — мамлакат юксалади.

Мурожаатномада таълим соҳасига алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас. Бугун дунёда янги технологиялар, сунъий интеллект, рақамлаштириш таъсирида меҳнат бозори тубдан ўзгармоқда. Яқин беш йилда мавжуд касбларнинг 30 фоизи автоматлаштирилиши, 50 фоизи эса мутлақо янги малакаларни талаб қилиши кутилмоқда.

Шундай шароитда таълим тизими, айниқса, касбий таълим иқтисодиёт эҳтиёжларига жавоб бериши шарт.

ОЧИҚЛИК — ҚАТЪИЙ ПОЗИЦИЯМИЗ

Президентимиз Мурожаатномаси янги Ўзбекистон тараққиётининг бугунги ҳолати ва эртанги марраларини аниқ белгилаб берадиган тарихий ҳужжат бўлди.

Давлатимиз раҳбари очик ва самимий руҳда ютуқларни ҳам, олдимизда турган вазифаларни ҳам аниқ кўрсатиб берди. Мурожаатномадаги олтинга устувор йўналиш ҳаётимизда катта аҳамият касб этади.

Бугунги глобаллашув шароитида давлатларнинг рақобатбардорлиги табиий ресурслар ёки саноат қудрати билангина эмас, балки, энг аввало, инсон капиталининг сифати билан белгиланмоқда. Зеро, сифатли таълим ва илм-фанга эътибор давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланди.

Шунингдек, белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун зарур молиявий манбалар ҳам аниқ кўрсатилди. Бу эса стратегияни умумий ниятлар мажмуасидан аниқ ижро механизмлари, жавобгарлик ва ҳисобдорликка асосланган амалий дастурга айлантиради.

Такомиллашаётган “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг яна бир муҳим жиҳати — унинг ҳар бир фуқаро учун тушунарли ва ҳаётий бўлишига қаратилганлиги. Стратегия шундай шакллантирилмоқдаки, ҳар бир юртдошимиз унга назар солиб: “Бу ҳужжат менга нима беради?”, “У менинг ҳаётимни қандай яхшилайди?”, “Оилам ва фарзандларим келажаги учун қандай имкониятлар яратади?” деган саволларга аниқ жавоб топа олсин.

Яъни стратегия абстракт шioriлар эмас, балки ҳар бир инсон ҳаётида сезиладиган, қундалик турмушда намоён бўладиган аниқ ўзгаришлар манбаи бўлиши кўзланмоқда.

Стратегияда белгиланган ўрта муддатли мақсадларнинг самарадорлик кўрсаткичлари янги иқтисодий, ижтимоий ва технологик қаҳриқлар, шунингдек, халқаро майдонда кечаётган ўзгаришларга мос равишда янгиланмоқда. Бу давлат

шига айланди. Шу маънода, жорий йилдан ҳудудларда Илгор касбий маҳорат техникуми ва “Касблар шахарчаси” фаолияти йўлга қўйилишини стратегик қарор, десак ҳеч қандай мунобола бўлмайди. Бинобарин, “Касблар шахарчаси” мактаб ўқувчиларини қурилиш, сервис, кишлоқ хўжалиги, саноат, транспорт, “яшил” энергетика каби замонавий касбларга йўналтириш келгусида етуқ кадрлар захираси шаклланишига катта замин ҳозирлайди.

Мурожаатномада илгари сурилган ҳар бир ташаббус замирида инсон қадрини улуғлаш, иқтисодий ўсишни ижтимоий адолат билан уйғунлаштириш ва давлат бошқарувида ҳисобдорликни кучайтириш гоёлари борлиги эътиборга молик.

ЮРТДОШЛАРИМИЗ ҲАЁТИНИНГ
ФАРОВОНЛИК ДАСТУРИ



Элдор ТУЛЯКОВ,
“Тараққиёт стратегияси”
маркази ижрочи директори

сиёсатининг очик, мослашувчан ва замон талабларига жавоб берадиган бўлишини таъминлайди.

Шу билан бирга, стратегия ижросини мониторинг қилиш тизимини тўлиқ рақамлаштиришга алоҳида эътибор

Президентимиз коррупцияга қарши кураш масаласига яна эътибор қаратди. Коррупция нафақат иқтисодий ривожланишни секинлаштиради, балки жамиятда қонунга, давлатга ва адолатга ишончини издан чиқаради. Айниқса, жадл тараққиёт босқичига ўтаётган янги Ўзбекистон учун бундай ижтимоий иллат жиддий ҳаф тугдиради. Шунини ҳисобга олган ҳолда, 2026 йилда мамлакатимизда “Коррупцияга қарши кураш бўйича фавқуллодда ҳолат” эълон қилинди.

Бугун биз жамоамиз билан зиммамизга юкланган масъулиятни яхши англаймиз ва уларни ўз вақтида сифатли бажаришга бор салоҳиятимизни сафарбар этамиз.

қаратилмоқда. Бу ижро ҳолатини шаффоф кузатиш, аниқ маълумотларга асосланган қарорлар қабул қилиш ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтириш имкониятини яратади.

Соҳа, тармоқ ва ҳудудларни ривожлантириш бўйича қабул қилинаётган барча стратегик ҳужжатларни “Ўзбекистон — 2030” стратегияси билан тўлиқ уйғунлаштириш кўзда тутилмоқда. Бу давлат сиёсатининг яхлитлиги, ўзаро мувофиқлиги ва натижавийлигини таъминлашга хизмат қилади.

Энг муҳим принципиал жиҳатлардан бири — стратегиянинг халқ билан мослашув асосида шакллантирилишидир. Давлатимиз раҳбари яқинда парламент ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасида ушбу талабни қўйди. Лойиҳа жамоатчилик муҳокамасига ҳавола этилиб, аҳоли, фуқаролик жамияти институтлари, экспертлар ва кенг жамоатчиликнинг тақлиф ва мулоҳазалари инобатга олиниши режалаштирилган. Чунки фақат халқ билан биргаликда ишлаб чиқилган ҳужжатгина ҳаётий, ишончли ва самарали бўлиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг такомиллаштирилиши бу — мавжуд ислохотларни чуқурлаштириш, аниқлаштириш ва замон талабларига мос равишда ривожлантиришга қаратилган изчил, очик ва масъулиятли жараёндир. Энг муҳими, ушбу стратегия фақат давлат идоралари учун эмас, аввало, халқимиз, ҳар бир юртдошимизнинг фаровон ҳаётини таъминлашга хизмат қиладиган умуммиллий тараққиёт дастури сифатида шакллантирилмоқда.

“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида ўтган йил оғир тоифадаги 1024 та маҳаллада инфратузилмани яхшилашга алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу мақсадлар учун республика бюджетидан 3,2 триллион сўм йўналтирилиб, унинг самарали ўзлаштирилиши қатъий назоратга олинди.



Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

Янги Ўзбекистонда барча ислохотлар “Инсон қадири учун” эзгу тамойили асосида кечаяётгани ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқаришга кўмак бериш, халқимиз фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлidir. Бу борада одамларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоялаш, муносиб иш билан таъминлаш, даромадини ошириш, турмуш шароитини яхшилашга қаратилган улкан ишлар қилинди. Жумладан, камбағалликка қарши кураш давлат сиёсати даражасига олиб чиқилиб, умуммиллий ҳара-катга айлантирилди.

Янгиланган Конституциямизда пенсия-лар, нафақалар ва ижтимоий ёрдам миқдори энг кам истеъмол харажатларидан оз бўл-маслиги қатъий белгилаб қўйилди. “Камба-ғалликдан фаровонлик сари” дастури амалга оширилаётгани ҳар бир маҳаллага бизнес муҳити, ҳар бир оилга фаровонлик олиб кирди. Юртимизда бу йўналишда ишлар бошланганда аҳолимизнинг учдан бир қис-ми камбағаллик чегарасида яшагани ва 2025 йил якунига келиб камбағаллик даражаси 5,8 фоизга тушгани ислохотлар самарасини яқ-қол намоён этади.

Албатта, қисқа вақтда бундай натижаларга эришиш ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Ўтган даврда мамлакатимиз иқтисодиёти 2 қарра ўсгани бу борада муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Бундай кенг кўламли саяё-ҳаракатлар ҳисо-бига Ўзбекистон 2030 йилга қадар камбағал-ликни қисқартириш бўйича зиммага олинган мажбуриятини барвақт бажаришга ҳаракат қилмоқда. Шу мақсадда 2025 йил бандликни таъминлаш, камбағалликни камайтиришда энг муҳим ва ҳал қилувчи йил этиб белгилан-ди, аниқ ва тизимли ишлар амалга оширил-ди.

Президентимиз парламент ва халқимизга Мурожаатномасида бу жабҳадаги ислохотлар самараси хусусида тўхталиб, “Биз камбағал-ликни қисқартириш масаласини умуммил-лий ҳаракатга айлантирдик. Такрор айтаман, ўтган даврда 8,5 миллиондан зиёд аҳолини камбағалликдан чиқаришга эришдик. Асосий мақсадимиз — одамларимизни доимий даро-мадли қилишдан иборат. Пули бор одам яхши кийинчи ва овқатланишга, сифатли таълим ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиш-га, мазмунли дам олишга, бир сўз билан айт-ганда, фаровон яшашга интилади”, деди.

Камбағалликка барҳам беришда энг тўғ-ри йўл таълим эканини ҳаётнинг ўзи яққол намоён этмоқда. Бу йўналишдаги тадқи-қотларга кўра, юқори маълумотлилар кўйи маълумотга эга бўлганларга нисбатан кўпроқ иш ҳақи олади. Шу боис, таълим тизими-га инсон капиталини ривожлантириш ва камба-ғалликни қисқартиришнинг асосий драйвери сифатида устувор эътибор қаратилмоқда. Бу жабҳадаги саяё-ҳаракатлар самарасида мак-табгача таълим қамрови 27 фоиздан 78 фоиз-га ошгани натижасида 1 миллион аёл таълим олиш, касб-хунар ўрганиш ва даромад топиш имконига эга бўлди. Ҳар бир камбағал оилда камиди 1 нафар олий маълумотли йигит ёки қиз бўлиши учун имтиёзли таълим кредити ва давлат грантлари кўпайтирилипти.

Камбағал аҳолини шунчаки ишга жой-лаштириш эмас, балки доимий иш ўринла-рини кўпайтириб, одамлар барқарор даромад манбаига эга бўлиши учун шароит яратил-япти. Ўзбекистон дунёга очилгани ва фаол инвестиция сиёсати туфайли иқтисодиёти-мизга жалб этилаётган сармоя оқими, юқори даромадли иш ўринлари кўпаймоқда. Қулай ишбилармонлик муҳити ҳисобига тадбир-корлар барқарор бизнесига эга бўлмоқда. Эътиборлиси, давлат бизнесга шароит яратиб берапти, тадбиркорлар эса ўзига ижтимоий

масъулият олиб, эҳтиёжманд аҳолини ишли ва даромадли қилишга кўмаклашяпти. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги маълумоти-га кўра, 2025 йил 1 ноябрь ҳолатида 1 миллион 540 мингта оила ўрганилиб, шундан 717 мингтаси, яъни 3 миллион аҳоли “Камбағал оилалар реестри”-га киритилди.

Ҳар бир оила бўйича индивидуал ёнда-шув асосида муаммолар ўрганилиб, уларни камбағалликдан чиқаришга қаратилган аниқ чоралар белгиланди. Индивидуал режалар асосида қарийб 2 миллиондан кўпроқ аҳоли-га 791 мингдан ортқ турли хизмат кўрсати-лди. Жумладан, 323 минг фуқаро доимий иш билан таъминланди, 124 минг нафарига кре-дит ва субсидиялар ажратилди, 296 минг на-фари тадбиркорлик фаолиятига жалб этилди ҳамда 48 минг киши касб-хунарга ўқитилди. Натижада реестрдаги 311 мингта камбағал оила ёки 1,3 миллион аҳоли расмий даромад-га эга бўлиб, моддий аҳоли яхшиланиши сабабли камбағаллик ҳолатидан чиқарилди. Бу реестрга киритилган оилаларнинг 43 фои-зини ташкил этади.

Яхшиланаётган инфратузилма аҳоли даромадини оширмоқда

“Камбағалликдан фаровонлик сари” да-стури доирасида ўтган йил оғир тоифадаги 1024 та маҳаллада инфратузилмани яхшилашга алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу мақсадлар учун республика бюджетидан 3,2 триллион сўм йўналтирилиб, унинг самарали ўзлаштирили-ши қатъий назоратга олинди. Хусусан, сугориш тармоқлари қуриш ва реконструкция қилиш бўйича 1 триллион 394 миллиард сўмлик иш



бажарилди. Натижада 448 та сугориш насоси, 862 та қудуқ ва 2629 километр сугориш тар-моғи барпо этилиб, 77,5 минг гектар томорқа ерларини сугориш имкони яратилди. Бу эса 2,3 миллион аҳолининг даромад манбаини кенгай-тиришга хизмат қилмоқда.


Шунингдек, электр энергиясини барқарор етказиб бериш мақсадида 959 та маҳаллада электр инфратузилмаси лойиҳаларига 928 миллиард сўм ажратилди. Бу лойиҳалар дои-расида маҳаллалардаги эскирган трансфор-маторлар янгиланди, янги симёчотлар ўрати-лди, турт ярим минг километрдан узунроқ электр тармоғи тортилди ва реконструкция қилинди. Натижада 3,7 миллион аҳоли барқа-рор электр таъминоти билан қамраб олинди.

— Аҳолини камбағалликдан чиқариш ва даромадли қилишда ҳар бир ҳудуднинг ўз тажрибаси пайдо бўлмоқда, — дейди Ўзе-бекистон маҳаллалари уюшмаси Жиззах вилоя-ти бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Соатов. — Жумладан, вилоятимизда ҳам бу борада ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқилди. Шаҳар ва туманлар камбағаллик ва ишсизликдан холи ҳудудга айланмоқда. “Камбағал оилалар реестри”га киритилган оилалар билан индивидуал ишланди. Нати-жада ўтган йили ўн уч мингдан кўпроқ оила даромад манбаига эга бўлгани учун ушбу рўйхатдан чиқарилди.

Давлатимиз раҳбарининг “Камбағаллик-дан фаровонлик сари” дастурини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини

таъминлаш мақсадида 100 миллиард сўм ҳи-собиға “огир” тоифадаги 58 та маҳалланинг сув таъминоти яхшиланди. Натижада 47 минг хонадоннинг томорқасида даромад олиш им-кони яратилди.

— Ўттиз сотихга яқин томорқа еримиз бор, лекин шу вақтгача ундан яхши даромад олишни тасаввур ҳам қилолмасдик, — дей-ди Жиззах вилояти Зафаробод туманидаги Бирлик маҳалласида яшовчи Арслон Бара-тов. — Чунки сермахсул экин тури ва нави-ни танлаш, экиш, парваришлаш бўйича таж-рибамиз етишмасди. Боз устига сувсизлик туфайли бор экинлар ҳам нобуд бўларди. Сув



таъминоти яхшиланиши ва маҳалла фаолла-ри томонидан томорқадан унумли фойдала-ниш бўйича амалий кўмак кўрсатиш тизимли йўлга қўйилгани айни мақсад қилинган.

Бундан унумли фойдаланиб, хонадон эга-лари томорқа майдонида кичик иссиқхона ташкил қилди ва бир мавсумда икки марта ҳосил олмақда. Сугориш имконияти яхши-ланганидан кейин томорқанинг қолган қис-мидан ҳам бир мавсумда уч мартагача ҳосил олиняпти. Шу тариқа ушбу оиланинг йиллик даромади қарийб 80 миллион сўмга етди. Қишлоқ шароитида бу маблаг бир оиланинг тўқис ва фаровон яшаш, фарзандларини ўқитиши ва орзу-ниятларни рўёбга чиқариши учун катта имкониятдир.

Вилоятда бундай ишлар ўзига хос ёнда-шувлар асосида давом эттирилиб, камбағал-лик даражасини 3 фоизга ҳамда ишсизликни 3,4 фоизга тушириш мақсад қилинган. Уму-ман, 2026 йилда вилоят бўйича 5 та ҳудуд камбағаллик ва ишсизликдан холи бўлади.

Бу борада ишлар барча ҳудудларда изчил давом этияпти. Маҳаллаларни обод қилиш, одамлар ҳаётини яхшилаш ва тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантиришга катта маблаг йўналтирилипти. Қишлоқ аҳолисини даромадли қилиш учун пахта ва ғалла майдо-ни қисқартирилиб, одамларга 30-50 сотихдан ер ажратишнинг янги механизми жорий этил-ди. Бу ишлар 800 минг одамнинг даромадини оширишда муҳим қadam бўлди. Етақчи тад-биркорлар кўмағида томорқада сердаромад экинлар екиш ва етиштирилган маҳсулотни

қафолатли сотиб олиш йўлга қўйилди. Нати-жада биргина ўтган йилнинг ўзида аҳоли то-морқасида етиштириладиган мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти 465 миллион доллар-га етди.

Айни пайтда томорқа эгалари ва деҳқон хўжалиқларини қўллаб-қувватлаш давом этмоқда. Шу мақсадда маҳаллаларда мева-сабзавотни сақлаш, саралаш ва қайта ишлаш қувватлари барпо этилди. Натижада одамлар томорқадан 2-3 марта ҳосил олиб, бир со-тихдан 15-20 миллион сўм даромад топяпти. Бундай ишларни муттасил ривожлантириш учун қўшимча имкониятлар яратилаяпти.

Инсонпарварлик сиёсати самараси

Умр йўллари инсон учун доим синовли. Бутун соппа-соғ юрган инсон бирор бахтсиз тасодиф ёки оғир ҳасталик туфайли беҳосдан ижтимоий-тиббий кўмакка муҳтож бўлиб қо-лиши мумкин. Айнан шундай оғир вазиятда давлатнинг инсонпарварлик сиёсати яққол намоён бўлади.

Зиммасига ижтимоий давлат мақомини олган мамлакатимизда аҳолининг бундай тоифасига кўмак кўрсатиш давлат сиёсати-нинг устувор йўналиши этиб белгиланди. Сўнгги йилларда бу жабҳадаги ишлар нати-жасида ижтимоий ҳўмия тизими янги бос-қичга олиб чиқилиб, ягона марказлашган

ЎЗБЕКИСТОН ОРТГА ҚАЙТМАС ТУС ОЛГАН АНА ШУНДАЙ МУҲИМ ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДАН ҚАТЪИЙ БОРИБ, КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСКАРТИРИШ БОРАСИДА ВА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИГА ТЎЛИҚ ЭРИШИШ БЎЙИЧА БАРЧА МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БАЖАРИШДА ЯНГИДАН ЯНГИ МАРРАЛАРНИ КЎЗЛАБ ИЛГАРИЛАМОҚДА.

тизим сифатида шакллантирилди. Туман ва шаҳарларда “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари, ҳар бир маҳаллада ижтимоий хо-димлар фаолияти йўлга қўйилди.

Маҳалла даражасида ижтимоий ҳўмияга муҳтож оилаларга 100 дан ортқ ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатишмоқда. Ногиронли-ги бўлган шахсларга кўмаклашиш, жамиятта интеграция қилиш, сифатли протез-ортопе-дия ва реабилитация воситалари билан таъ-минлаш тизими такомиллаштирилди.

Президентимиз мустақиллигимизнинг 34 йиллигига бағишланган тантанали маросим-да нутқида бу йўналишдаги кенг қамровли ислохотларнинг ўзига хос аҳамияти ва сама-раси ҳақида тўхталиб, битта бўлса ҳам қи-йин аҳволга тушиб қолган ҳамюртимизнинг тақдирини барчамизни бирдек ташвишга соли-ши, зеро, халқимизнинг энг катта қудрати меҳр-оқибат, саховат ва бирдамликда экани-ни алоҳида таъкидлади. Бу сўзлар замирида халқимизнинг инсонпарварлик, эзгуликка йўрилган қадриятлари, инсон қадрини кўз-лаб амалга оширилаётган ислохотларнинг асл мақсад-моҳияти ўз аксини топган.

Шу боис, аҳолининг муҳтож қатламига йўналтирилган ижтимоий кўмак тобора кен-гаймоқда. Бу борада Ҳамрохлик дастурига мувофиқ ота-она меҳридан маҳрум бўлган 11 минг боланинг таълим, касб-хунар, спорт ти-зимига қамраб олингани муҳим натижа бўл-ди. Эҳтиёжманд оилаларнинг 2,5 миллиондан зиёд аъзосига 110 турдаги ёрдам ва хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Умуман, 2025 йилда ёрдамга муҳтож аҳолини ижтимоий ҳўмия қи-лишга 19 триллион сўм йўналтирилди.

Бу жабҳадаги ислохотлар изчил давом этияпти. Жараёнда профессионал ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизими такомиллаштири-ляпти. Барча ҳудудларда ногиронлиги бўлган болалар учун кундузги парвариш марказлари, ўзгалар парваришига муҳтож шахслар учун реабилитация хизматлари ташкил этилмоқда.

Аҳолининг ижтимоий муҳофазаси ҳақида гап кетганда, хотин-қизларни қўллаб-қувват-лаш ва бандлигини таъминлаш масаласига алоҳида тўхталиш жонз. Зеро, аёл оила чи-роғи, фарзанд тарбиячисирид. Аёлга эъти-бор оила фаровонлиги ва барқарорлигини таъминлаш ва фарзандлар камолоти-га хизмат қилади. Шу боис, юртимиздаги ижтимоий ҳўмия тадбирларида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатини ҳўмиялаш, уларни ҳар томон-лама қўллаб-қувватлаш бўйича ўзига хос ти-зим яратилди. Бу борада “Аёллар дафтари” юритилаётгани ўз самарасини бермоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси маъ-лумоти-га кўра, 2025 йилда “Аёллар даф-тари”нинг олтинчи босқичи доирасида бир миллиондан зиёд кишига амалий ёрдам кўрсатилгани қувонарлидир. Бу жараёнда ишсизларнинг бандлиги таъминланди, тад-биркорлик фаолиятини йўлга қўймоқчи бўл-ганларга имтиёзли кредит ажратилди. Бундан ташқари, уй-жойга муҳтож турт мингта яқин аёлга кўмак берилди. Уларнинг 230 нафари уй-жой билан таъминланди. 2828 нафарига 5,1 миллиард сўм миқдорида ижара компен-сацияси тўлаб берилди. Бир қанча эҳтиёж-манд оилаларнинг уй-жойи таъмирланди. Икки юз мингдан зиёд она ва бола тиббий қўриқдан ўтказилди.

Ҳуқуқий ёрдамга муҳтож аёлларга ёрдам кўрсатилди. Жумладан, қарийб 150 минг хо-

этирилади, боғча ва тўғарак харажати-ни қоплаш, даволаниш ордери каби 110 та иж-тимоий хизмат ва ёрдамдан 12 ой давомида қўшимча фойдаланиш имкони берилади.

Бундан ташқари, оғир ҳаётли вазият са-бабли камбағалликка тушиб қолиши хавфи юқори оилаларни олдиндан аниқлаб, уларга манзилли ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилади.

Таълим сифатида алоҳида эътибор қарати-либ, ўтган йилда вазирлик тизимидagi касбий кўникмалар марказларининг 200 нафарга яқин ўқитувчиси замонавий технологиялар асосида хорижий давлатларда малака оширди. Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) кўма-ғида ўқув марказлари сон кўпайди. Уларнинг битирувчиларида 95 фоиз иш топиш ва 97 фоиз иш бевуричлар томонидан қаноатланти-риш даражаси қайд этилмоқда.

Шунингдек, Жаҳон банки билан ҳам-корликда автомобилларга, шу жумладан, электромобилларга техник хизмат кўрсатиш йўналишида 10 та вилоятдаги касбий кўник-малар марказлари ўқув жойлари билан таъ-минланди. Меҳнат бозори талаблари асосида 12 та янги касбга ўқитиш йўлга қўйилди.

Рақамли технологиялар вазирлиги билан ҳамкорликда ҳудудларда камбағал оилалар аъзолари учун ахборот технологиялари йў-налишида ўқув курслари ташкил этилди. 4 та йўналиш бўйича 168 минг ёш, шундан камба-ғал оилаларнинг 36 минг фарзанди ўқитилди. Келгусида камбағал оилалар аъзоларини қам-раб олиш улуши 40 фоизга етказилади. Бу бо-радаги ишлар янада кенгайиб, пойтахтимизда Креатив соҳалар кластери ташкил этилмоқда. Бу ерда 32 турдаги халқаро стандартга мос креатив соҳа мутахассислари тайёрланади.

Ушбу йўналишдаги хайрли ишлар кў-ламини муттасил кенгайтириб бориш учун дунёдаги илгор тажрибаларни ўрганиш, мам-лакатимизда эришилаётган ютуқларни кенг оммалаштириш инсоний тараққиётига хиз-мат қилади. Шу мақсадда юртимиз кўплаб халқаро форумларга мезбонлик қилмоқда ва барқарор ривожланишга эришиш борасида Ўзбекистон очиқ мулоқотлар майдонига ай-ланди.

Хусусан, 2025 йил май ойда бўлиб ўтган ана шундай йирик халқаро форумда дунё-нинг барча минтақаларидан кўплаб олимлар ва етақчи экспертлар иштирок этиб, бу бора-даги глобал муаммолар ечими хусусида фикр алмашди. Ушбу тадбир жараёнида дунёда камбағалликни қисқартириш орзу эмас, қў-лимиз етадиган мақсад экани, Ўзбекистонда сўнгги йилларда эришилган ютуқлар бу бо-рада ўрганиш ва ўрнат олишга аризли яхши тажриба бўлиши эътироф этилди.

Ўз навбатида, Ўзбекистон ортага қайтмас тус олган ана шундай муҳим ислохотлар йў-лидан қатъий бориб, камбағалликни қисқар-тириш борасида ва Барқарор ривожланиш мақсадларига тўлиқ эришиш бўйича барча мажбуриятларини бажаришда янгида янги марраларни кўзлаб илгарилармоқда. Бу жабҳа-да орттирилаётган ҳар бир ижобий тажриба ва қўлга киритилаётган ютуқлар нафақат хал-қимиз, балки дунё аҳлининг фаровон жамият барпо этиш ва адолатли дунёни қарор топти-ришга оид эзгу орзу-умидлари рўёби йўлида муҳим қadam бўлиши шубҳасиз.

2025 йилда ёрдамга муҳтож аҳолини ижтимоий ҳўмия қилишга

19 триллион сўм йўналтирилди.

2025 йил якунига келиб, камбағаллик даражаси 5,8 фоизга тушди.



2024 йилда пул айланмаси 1 триллион сўмдан ошган 203 та корхона бор эди. 2025 йилнинг дастлабки олти ойида уларга қўшимча яна 47 та корхона 400-500 миллиард сўмлик маррани забт этди.

ЛОЙИҲАЛАРИМИЗ ЯНАДА КЎПАЙДИ



Юлдуз СУВОНОВА,
Жиззах шаҳридаги “Atlant Architects Group” МЧЖ раҳбари, “Фаол тадбиркор” кўрак нишони соҳиби

Мамлакатнинг ривожланганлик кўрсаткичларини жуда кўп омиллар белгилайди, шулардан бири бунёдкорлик ишларидир. Янги Ўзбекистоннинг кейинги йиллардаги ислохотлари, тараққиётига қараб буни яққол кўриш мумкин. Юртимиз чин маънода бунёдкорлик заминига айланди. Одамларни уй-жойли қилиш, фаровон яшаши учун зарур хизматларни ошириш мақсадида мамлакатимиз бўйлаб қатта қурилишлар кетаяпти, янгидан янги турар жойлар барпо қилиняпти.

Айниқса, ушбу соҳа тадбиркорликда энг катта йўналишлардан бирига айланиб, ўнлаб қурилиш компаниялари пайдо бўлди. Инвестиция қўлами ҳам катта. Натижада замонавий, илгор технологияларга асосланган бино-иншоотлар қурилиб, фойдаланишга топшириляпти.

Соҳа ривож бизни каби лойиҳа компаниялари кўпайишига ҳам туртки бермоқда. Яъни қурилишлар билан бирга халқаро стандартларга асосланган лойиҳаларга ҳам талаб ортган. Бойси, қурувчи

ташкilotлар бино-иншоотнинг қад ростлашини таъминлайди, объектнинг лойиҳалари эса лойиҳа ташкilotлари томонидан тайёрланади.

Корхонамиз 2016 йилда ташкил этилган. Ҳозирги кунда 30 дан ортиқ киши меҳнат қилади, буюртмалар асосида ишлаймиз. Асосий фаолиятимиз лойиҳаларни ишлаб чиқиш, қурилишда таҳлил, ўлчов ишларини амалга ошириш, бинолар учун техник хулосалар тайёрлашдан иборат. Ўтган йиллар давомида қатор йирик лойиҳаларни амалга оширдик. Хусусан, сўнгги уч йилда кўплаб объектлар қурилишларини жаҳон стандартларига мос ҳолда лойиҳалаштирдик. Республика шошилинч тез тиббий ёрдам Жиззах филиали ва Арнасай тумани ихтисослаштирилган мактаби биносини реконструкция қилиш, Қозон федерал университети Жиззах филиали биносини таъмирлаш ва жиҳозлаш, Фориш туманида 330 ўринли умумтаълим мактабининг янги биноси қурилиши учун бажарилган лойиҳа-смета ишлари шулар жумласидан.

2025 ЙИЛ КОРХОНАМИЗ УЧУН БАҲРАҚОР КЕЛДИ. ЛОЙИҲАЛАРИМИЗ СОНИ ҲАМ, КЎЛАМИ ҲАМ ОШДИ. ЙИЛЛИК ДАРОМАДИМИЗ 3-3,5 МИЛЛИАРД СЎМГА ЕТДИ.

Нафақат Жиззах вилояти, балки бошқа ҳудудлардаги қурилиш ишларига озми-кўпми ҳисса қўшиб келямиз. Лойиҳаларни тайёрлашда сифатга, давлат стандартларига мос, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига тўлиқ риоя этилишига катта эътибор қаратилади. Чунки лойиҳа қанча пухта қилинса, кўтариладиган бино шунча мустаҳкам бўлади. Қолаверса, иншоот замонавий технологияларга асосланган бўлиши баробарида узоқ йиллар хизмат қилиши ҳам асосий масала ҳисобланади. Бунинг учун ҳар бир жиҳатни эътиборга олиш лозим.

Умуман, ҳозир тадбиркор тўғри, ҳалол ишласа, фаолияти кенгайиб, даромади ошиб бораверади. Чунки юртимизда ниҳоятда катта ривожланиш, ислохотлар бўляпти. Уларга “лаббай” деб жавоб беришимиз учун ҳам барча шароит, имкониятларимиз бор. Ўтган йилда ўзимизнинг йўналишида сезиларли ўзгаришлар, ижобий ўсиш кузатилди. Янгидан янги лойиҳа ташкilotлари очилди, улар орқали кўплаб иш ўринлари яратилди. Таклиф берувчи корхоналарнинг кўп бўлиши соғлом рақобатни шакллантиради.

ҚОЗОҒИСТОНДА ҲАМ ФИЛИАЛЛАРИМИЗ БОР

Фаррух АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳридаги “Belissimo Pizza International” МЧЖ жамияти таъсисчиси ва раҳбари, “Фаол тадбиркор” кўрак нишони соҳиби

Умумий овқатланиш тизими кейинги йилларда энг ривожланаётган тармоқлардан бирига айланди. Бу миллий иқтисодиёт тараққиёти, одамларнинг турмуш фаровонлиги яхшиланиши билан ҳам боғлиқ, албатта. Аммо, бошқа томондан, бу йўналишдаги тадбиркорларга жуда катта имтиёз ва имкониятлар берилляпти. 2025 йил ҳам соҳада ижобий қадамларга бой бўлди. Масалан, ресторанларнинг ташқарисига терасса қўйиш бўйича енгилликлар берилди.

Очиги, бу тадбиркорларни анчадан буён қийнаб келаятган масала эди. Давлатимиз раҳбари 2025 йил август ойида тадбиркорлар билан очиқ мулоқотда ана шу енгилликни айтганда, кўпчилик хурсанд бўлди. Қолаверса, солиқлар бўйича қатор имтиёزلардан фойдаланиб келямиз. Улар янада ривожланишимизга замин яратяпти.

Корхонамизнинг асосий фаолияти пицца тайёрлаш ва уни етказиб беришдан иборат. “Belissimo Pizza” миллий бренди билан халқимизга хизмат қилиб келамиз. Қўшимча сифатида газли иччимликлар ва бошқа егуликлар ҳам тайёрлаймиз, лекин асосий маҳсулотимиз пиццадир. Пицца турлари мавсумга қараб ўзгариб туради, доим ангилликлар қилишга интиламиз. Бугунги кунда Ўзбекистон бўйлаб 81 та филиалимиз мавжуд. Қозоғистонда ҳам 3 та филиалимиз иш бошлаган, яқин ойларида яна тўрттаси очилади. Ҳар йили компаниямиз филиаллари билан бирга мижозларимиз сони ҳам ошиб борапти. Франчайзинг тарзида ҳамкорлар билан ишляямиз. Жами 2200 дан ортиқ кишини иш билан таъминлаганимиз.

2025 йил корхонамиз учун омадли келди. Олдимизга қўйган режаларимизнинг деярли ҳаммасига эришдик. Илк бор юртимиздан ташқари бозорга чиқдик ва айнан 2025 йилда жамоамиз билан биргаликда буни

уддаладик. Кейинги 5 йилда Қозоғистонда жами 200 та филиал очишни мақсад қилганимиз.

Ўзим 10 йилдан буён тадбиркорлик билан шугулланаман ва ишонч билан айтга оламнки, битта тадбиркорнинг бунчалик ривожланиши, катта бозорларга кириб бориши мустақил Ўзбекистон тарихида жуда кам кузатиларди. Ҳозир деярли барча бизнес эгалари ана шундай банд марраларни оляпти. Бунга мамлакатимиздаги иқтисодий барқарорлик, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш сиёсати каби муҳим омиллар сабаб.

Ўтган йилда миллий иқтисодиётимиз янада барқарорлашгани яққол кўзга ташланди. Бу бизнесда ҳам, аҳоли яшаш тарзида ҳам кузатилди. Оддий валюта курси мисолида оладиган бўлсак, хорижий валютани ўзбек сўмига нисбатан тушиши ва бу ҳолатнинг узоқ вақт сақланиб туриши тарихда кузатилмаган. Бугун сўмнинг қиймати ошиб, импорт маҳсулотларимиз таннархи тушишига хизмат қилляпти. Бу ҳам иқтисодий барқарорликдан далолат.

Имконият ва шароитлар бор йўлига мақсадлар улкан бўлади. Корхонамизнинг жорий йилга мўлжалланган режалари катта. Ўзбекистонда яна 40 та янги филиал очиш, Қозоғистондаги филиалларни янада кўпайтириш, Қирғизистон ва Тожикистон бозорларига кириб боришни мақсад қилганимиз.

Бугунги кунда Ўзбекистон бўйлаб 81 та филиалимиз мавжуд. Қозоғистонда ҳам 3 та филиалимиз иш бошлаган, яқин ойларида яна тўрттаси очилади. Ҳар йили компаниямиз филиаллари билан бирга мижозларимиз сони ҳам ошиб борапти. Франчайзинг тарзида ҳамкорлар билан ишляямиз.



ТАДБИРКОРЛИККА РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ МУҚОБИЛ ЙЎНАЛИШ

Ўзбекистонда камбағалликка қарши курашиш ва уни қисқартиришга тизимли ёндашиляпти.

Бу орқали халқнинг турмуш даражасини ошириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни янада қўллаб-қувватлаш давлатнинг устувор сиёсатига айланган. Жумладан, ўтган қисқа муддатда республика ва ҳудудлар миқёсида эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш учун 30 га яқин ҳуқуқий-меъёрий ҳужжат қабул қилинди.

Янги таҳрирдаги Конституциямизда давлат аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, камбағалликни қисқартириш бўйича чора-тадбирлар кўриши белгилаб қўйилди. Шунингдек, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ҳам 2026 йилга қадар камбағалликни 2022 йилга нисбатан 2 баробар, 2030 йилгача эса кескин қисқартириш, камбағалликка тулиши хавфи мавжуд 4,5 миллион кишининг даромадини ошириш, ижтимоий шериклик асосида 500 минг малакали мутахассис тайёрлаш устувор вазифа сифатида қайд этилган.

Ўтган даврда минглаб микро ва кичик корхоналар катта-катта компаниялар билан рақобат қила бошлади. Масалан, 1600 та микрокорхона бир йилда пул айланмасини 10 миллиард сўмдан ошириб, бирдан ўрта корхонага, 143 таси эса 100 миллиард сўмдан ошириб, йирик корхонага айланди. Яна 122 та кичик корхона олдинга икки қадам сакраб, йирик бизнес субъектлари сафига қўшилди.

2024 йилда пул айланмаси 1 триллион сўмдан ошган 203 та корхона бор эди. 2025 йилнинг дастлабки олти ойида уларга қўшимча яна 47 та корхона 400-500 миллиард сўмлик маррани забт этди.

Бизнесни “соя”дан чиқариш бўйича янги механизмлар кўпайтирилгани ҳисобидан 139 мингта корхонада иш ўринлари 811 мингтага кўпайиб, 2,2 миллиондан 3 миллионга етди. 273 мингта корхона иш ҳақи фонддини 22 фоиз ёки 4,6 триллион сўмга оширди. 2024 йили хусусий секторда ўртача ойлик 4 миллион сўмни ташкил қилган бўлса, ўтган йили 5 миллион сўмга яқинлашди.

Сўнгги йилларда халқаро майдондаги ўзгаришлар миллий иқтисодиётимизга ҳам катта таъсир ўтказмоқда. Иқтисодий фаолликнинг пасайиши, ташқи савдо, логистика, озиқ-овқат ва хомашё нархи, энергия билан барқарор таъминлашдаги муаммолар тадбиркорларни хавотирга солмоқда.

Турли зиддиятлар туфайли давлатлараро логистика ва маҳсулот етказиб бериш занжирини узишгани, ҳамкор мамлакатлар валютасининг қадрсизлангани, глобал миқёсда инфляция даражаси юқори бўлиб қолаётгани оқибатида молиявий ресурсларнинг қимматлашиши каби кўпгина омиллар тадбиркорларга салбий таъсир қилмоқда.

Бундан ташқари, кун сайин кўпаяётган аҳоли учун даромад манбаларини топиш, иш билан таъминлаш, ўз ишини бошлаб олиши учун имконият яратиш билан боғлиқ муаммолар сони ҳам ошмоқда. Шундай мураккаб вазиятда тадбиркорликни қўллаб-қувват-

юритаётган тижорат банклари сони бугун 35 та. Шу боис, ҳозир микромолия бозоридида банк бўлмаган ташкilotларнинг сони ва аҳамияти ошиб бормоқда.

Тижорат банклари ва банк бўлмаган ташкilotлар бераётган маблағ миқдори ошса-да, кун сайин кўпайиб бораётган тадбиркорлар ва аҳоли талабини тўлиқ таъминлай олаяпти. Бундан ташқари, мазкур тузилмалар ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш ҳамда микромолиялаштириш соҳасини такомиллаштириш мақсадида “Нобанк кредит ташкilotлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида”ги қонун ҳамда Президентимизнинг “Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда микромолия хизматларининг ўрни ва улушини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Мазкур қонун ва қарор билан микромолия ташкilotлари ҳамда тижорат банклари ўртасида боғловчи бўгин яратиш, шунингдек, микромолия ташкilotлари учун қўшимча молиявий ресурслар, жумладан, депозит жалб қилиш имкониятларини кенгайтириш

фондида киритилган ҳисса суммасининг ёки уларнинг эгалитидаги акциялар номинал қийматининг икки бараваридан ошмайдиган миқдорда қарз маблағларини жалб этишга рухсат берилди.

Қарорга биноан, микромолия ташкilotларига тижорат банкларидан кредит ресурслари жалб этилганда ёки тадбиркорлик субъектларига микромолия ташкilotларидан микрокредит олинганда “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” АЖ кафилигини бериш имконияти яратилиши кўрсатиб ўтилган.

Жаҳон тажрибаси асосида Ўзбекистонда шаклланаётган микромолиялаштириш банклари кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг муҳим воситасига айланыпти. Чунки микромолиялаштириш банклари микромолиялаштиришнинг ички манбаларига йўналтирилганлик концепциясига мос келади ва микромолиялаштириш банкларининг кредит тизимини ривожлантиришига қўмаклашади. Бу эса ташқи глобал иқтисодий таҳдидлар шароитида мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга қўмаклашувчи восита вазифасини ўтайди.



УШБУ МАҚОЛАНИ
ҚОРАҚАЛПОҚ
ТИЛИДА ҲАМ
ЎҚИШ УЧУН
QR-КОДНИ СКАНЕР
ҚИЛИНГ!



БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
БАНКИ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ КОМПАНИЯСИ
ТАШКИЛ ЭТИЛИБ, 2024 ЙИЛ
АВВАЛИДАН 35 МИНГДАН ОРТИҚ
ТАДБИРКОРГА ЎРТАЧА 100 МИЛЛИОН
СЎМДАН ЖАМИ 3,5 ТРИЛЛИОН СЎМ
МИКРОКРЕДИТ АЖРАТИЛДИ.

лашнинг биринчи ва асосий йўналишларидан бири молиявий ресурслар таъминотини кўпайтиришдир.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганича, бизнесни қўллаб-қувватлашнинг энг муҳим инструменти бу — молиявий хизматлар. Яхши лойиҳалар учун пул излаётган тадбиркорлар кўп, инвестиция киритаман, деганлар ҳам етарли.

Амалдаги тартибга қўра, масъулияти чекланган жамиятлар инвестиция киритаётган шахсни таъсисчи қилиб олишга мажбур. Лекин бунга ҳамма ҳам рози бўлмади. Шу боис, ресурс бўйича асосий юклама ҳалигача банклар гарданига тушяпти.

Мазкур йўналишда ҳам мамлакатимизда бир қанча ишлар қилинди. Кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлашнинг янги тизими жорий этилди. Ушбу йўналишда Бизнесни ривожлантириш банки ва Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси ташкил этилиб, 2024 йил аввалидан 35 мингдан ортиқ тадбиркорга ўртача 100 миллион сўмдан жами 3,5 триллион сўм микрокредит ажратилди.

Бундан ташқари, “Бизнесга биринчи қадам” дастури бўйича тадбиркорликни энди бошлаётган 115 минг кишига 1 триллион сўмлик микроқарзлар берилди.

Ушбу ҳолатларда асосий молиячи ҳануз тижорат банклари бўлиб қолмоқда. Юртимизда фаолият

мақсадида банк хизматларини рухсат этилган шартлар асосида кўрсатиш ваколатига эга бўлган юридик шахс — микромолия банки институтини жорий қилиш, микромолия ташкilotларини микромолия банкларига ва микромолия банкларини тижорат банкларига ҳамда аксинча, трансформация қилишнинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилди.

Мазкур меъёрий ҳужжатларга асосан, мамлакатда микромолиялаш бозори ҳажмини камида 5 баробар ошириш, микромолиявий хизматлар билан 1 миллиондан ортиқ тадбиркорлик субъектини қамраб олиш, микромолия ташкilotлари ресурс базасида жисмоний шахслардан жалб қилинадиган маблағ миқдорини 2 баробар ошириш ва микромолиявий хизмат кўрсатиш орқали расмий даромадга эга бўлмаган 500 мингга яқин шахснинг ўзини ўзи банд қилиши ва бизнесини ривожлантиришга қўмаклашиш вазифалари белгилаб берилди.

Бундан ташқари, қарорда тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган микроқарзнинг энг юқори миқдори 50 миллион сўмдан 100 миллион сўмгача оширилди. Шу билан бирга, микромолия ташкilotларига норезидентлардан хорижий валютада қарз маблағларини жалб қилиш ҳамда юридик шахсларга хорижий валютада молиявий хизматлар кўрсатиш, жисмоний шахс бўлган иштирокчилардан устав

Мақсуд РУСТАМОВ,
Иброҳим ТЎЙМУҲАММЕДОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт
университети профессорлари

Сарҳисоб

Янги Ўзбекистон тараққиётининг стратегик кучи

“

Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишда энг катта қамров “Беш ташаббус олимпиадаси”да кузатилди. Ушбу ташаббус доирасида ўтказилган танлов ва мусобақаларда 10,9 миллион нафар ёш иштирок этди. Маданият ва санъат йўналишида 1 миллион, спорт йўналишида 7,2 миллион, китобхонлик ва интеллектуал ўйинлар доирасида 2,7 миллион нафар ёш қамраб олинди.

“

2025 йилда ёшларга оид давлат сиёсатида таълим масаласи алоҳида устувор йўналиш сифатида шаклланди ва у бошқа барча йўналишлар учун асос бўлиб хизмат қилди. Таълим ёшларга ўз салоҳиятини англаш, жамиятда муносиб ўрин эгаллаш, мустақил фикрлаш ва келажакка ишонч билан қадам қўйиш имконини берадиган асосий ижтимоий институтдир. Шу боис, 2025 йилда таълим билан боғлиқ ишлар миқёси анча кенгайди, мазмунан чуқурлашди.

Бошланиши 1-бетда

2025 йил 14 февраль куни бўлиб ўтган Президентимизнинг ёшлар билан очиқ мулоқоти бу борадаги йиллик “йўл харитаси”ни белгилаб олинган дастуриламал бўлди. Учрашув умумий руҳида ёшларни ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг фаол субъекти сифатида кўриш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳамда салоҳиятини тўлиқ намоён этиш учун тизимли шароит яратиш гоёси устуворлик касб этди. Жумладан, ёшларнинг билим олиш йўли фақат диплом билан яқунланиб қолмаслиги, уларнинг замонавий касбларини эгаллаши, рақамли кўникмаларни пухта ўзлаштириши ва меҳнат бозоридagi реал эҳтиёжларга мослашуви зарурлиги таъкидланди. Президентимиз томонидан илгари сурилган фикрларда мактаб, коллеж, техникум ва олий таълим тизими ўртасидаги узвийлик, шунингдек, таълим натижасини аниқ иқтисодий самарадорлик билан боғлаш масаласи муҳим йўналиш сифатида қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари ёшлар билан мулоқотда уларнинг жамиятдаги ўрнини чуқур англаш, қонунларга ҳурмат, ҳалоллик ва ташаббускорликни ҳаёт мезонига айлантириш зарурлигини таъкидлади. Бу эса ёшлар сиёсатида фақат иқтисодий кўрсаткичларга таяниш етарли бўлмаслигини, инсоний ва ахлоқий қадриятлар билан уйғунлик муҳим аҳамият касб этишини кўрсатади.

Қишлоқ ва чекка ҳудудларда яшовчи ёшлар билан мегаполисларда истиқомат қилувчи тенгдошлари ўртасидаги имкониятлар тафовутини қисқартириш, таълим, бандлик ва маданий ривожланиш хизматларини жойларда кенгайтириш масалалари устувор вазифа сифатида қайд этилди. Бу ёндашув ёшларнинг қаерда туғилганидан қатъи назар, ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун тенг шароит яратишга қаратилган умумий сиёсий ироданинг ифодаси бўлиб хизмат қилди.

Шу нуқтан назардан, давлат ва ёшлар ўртасидаги муносабат бир томонлама муносабат шаклидан тизимли ҳамкорлик даражасига кўтарилаётган, келажак авлод масаласи стратегик режалаштириш марказида турган, ҳар бир ташаббус узоқ муддатли тараққиёт манзараси билан боғланаётган ҳозирги шароитда мамлакатимиздаги ёшларга оид сиёсатнинг бугунги ҳолатини умумлаштирувчи ва келгуси йўналишларини белгилаб бериuvчи энг муҳим жиҳатларга тўхталиб ўтиш, ўтган йил сарҳисоби билан бир кур назар ташлаш, ўйлаш-муаммаларни, ўринли бўлади.

Таълим

2025 йилда ёшларга оид давлат сиёсатида таълим масаласи алоҳида устувор йўналиш сифатида шаклланди ва у бошқа барча йўналишлар учун асос бўлиб хизмат қилди. Таълим ёшларга ўз салоҳиятини англаш, жамиятда муносиб ўрин эгаллаш, мустақил фикрлаш ва келажакка ишонч билан қадам қўйиш имконини берадиган асосий ижтимоий институтдир. Шу боис, 2025 йилда таълим билан боғлиқ ишлар миқёси анча кенгайди, мазмунан чуқурлашди.

Жумладан, 21 апрель куни давлатимиз раҳбари мактаб таълими сифатини ошириш ва педагоглар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга оид тақдирот билан танишар экан, ёшлар сиёсатида микдорий қамровдан мазмуний натижага ўтиш заруратини аниқ ифодалаб берди. Ушбу тақдиротда таълим инфратузилмасини янгилаш билан бир қаторда ўқитувчининг касбий тайёргарлиги, методик савияси, замонавий компетенцияларни эгаллаши таълим сифатини белгилувчи ҳал қилувчи омил экани кўрсатиб ўтилди. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган устувор йўналишлар билан уйғун ҳолда мактаб таълимининг реал ҳаёт, касб танлови ва меҳнат бозори эҳтиёжларига яқинлаштириш, ўқувчи шахсини мустақил фикрлашга, масъулиятли қарор қабул қилишга тайёрлаш масалаларига устувор аҳамият қаратилди.

ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЮЗАСИДАН КўРИЛАЁТГАН ЧОРАЛАР ҲАМ КЕНГ АҲОЛИ ҚАТЛАМИНИ ҚАМРАБ ОЛИБ, ЁШЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА САМАРАЛИ УСУЛ ЭКАНИ ИСБОТИНИ ТОПИБ УЛГУРДИ. ШУ ЖУМЛАДАН, ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАСТУРЛАРИ ДОИРАСИДА 80 МИНГ 146 НАФАР ЁШГА 1 ТРИЛЛИОН 378,9 МИЛЛИАРД СЎМ ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ АЖРАТИЛГАН. БУ БОРАДА МАНЗИЛЛИ КўМАК МЕХАНИЗМЛАРИНИНГ ўрни алоҳида.

жорий этилиши ҳам ёшларнинг билимга бўлган қизиқишини оширди. Халқаро имтиҳон топшириш харажатларини қоплаш бўйича амалга оширилган ишлар бунинг яққол мисолидир. Жумладан, 17,3 минг нафар ёшга 38,7 миллиард сўм маблаг ажратилган, умумий ҳисобда эса 56,4 минг нафар ёш 111 миллиард сўмлик компенсациядан фойдаланган. Таълим жараёнини фаоллаштиришда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ҳам муҳим омиллардан саналади. “TalabaFest — 2025” фестивали доирасида 800 минг нафар талабанинг қамраб олингани, “Беш ташаббус олимпиадаси”да эса миллионлаб ёшларнинг турли танлов ва мусобақаларда иштирок этгани таълим муҳитининг фақат расмий дарслар билан чегараланиб қолмаганини кўрсатади. Шунингдек, Тошкент шаҳрида ташкил этилган “Ўзбекистон ўқув марказлари форуми”да юзлаб ўқув марказлари ва минглаб ёшларнинг иштироки таълим хизматлари сифатини ошириш, тажриба алмашиш ва аниқ имкониятларни муҳокама қилиш учун муҳим платформа бўлиб хизмат қилди.

Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишда энг катта қамров “Беш ташаббус олимпиадаси”да кузатилди. Ушбу ташаббус

лойиҳасида эса 3,5 миллион нафар навқирон авлод вакиллари иштирок этган. Ушбу лойиҳалар ёшларнинг интеллектуал, маънавий ва технологик ривожланишини қўллаб-қувватлаш билан ҳам аҳамиятли.

Бандлик

Ўтган йил мобайнида ёшлар бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар тизимнинг турли бўғинларини бир мақсадга сафарбар қилган амалий механизмлар орқали юритилди. Ишсиз ва шахсий бизнесини бошлаш истагидаги йигит-қизларни қўллаб-қувватлашга қаратилган “Ёшлар бандлиги дастури” ишлаб чиқилди ва шу йўналишда 414,6 минг нафар ёшнинг бандлиги таъминланди. Бу кўрсаткичнинг ўзи бандлик масаласига ёндашув қўламини ва масъулият даражасини англашда, яъни кенг қатламдаги ёшларга йўналтирилган, бир вақтнинг ўзида ҳам иш ўрни, ҳам тадбиркорлик, ҳам касбга йўналтириш имкониятларини жамлаган механизм шакллантирилган.

Президентимизнинг 2025 йил 14 февралдаги “Ёшлар тадбиркорлигини ҳамда улар-

Бандликни таъминлашда бошқарув ёндашуви ҳам ўзгача тус олди. Маълумотларга қараганда, давлат идораларининг 4546 нафар раҳбари 115 минг 751 нафар ишсиз ёшга бириктирилиб, 114 минг 984 нафарининг бандлиги таъминланган, натижадорлик 99,3 фоизни ташкил қилган. Бу орқали масъулиятнинг шахсийлашгани, “бириктириш” тамойили билан ҳар бир ҳолат бўйича кузатиш ва ақуний натижа талаби қучайганини кузатиш мумкин. Бундай тенденция бир нечта йўналишлар бўйича параллел ечимлар ишлаб чиқиш имконини берди. Жумладан, 33 мингдан зиёд йигит-қиз доимий ишга жойлаштирилган бўлса, улардан 15 минг 186 нафарига тадбиркорлик учун кредит, 4556 нафарига экин ер майдони ажратилган, 2145 нафарига эса асбоб-ускуналар олиб берилган. Шу билан бирга, 6816 нафар ёш тартибли миграцияга йўналтирилган, 2631 нафари муддатли ҳарбий хизматга юборилган, 48 минг 532 нафари эса ўзини ўзи банд қилган. Мазкур рақамлар бандлик сиёсати “фақат иш топиб бериш” шаклидаги тор қарашлар қоплигидан чиқиб, ақсича, ёшнинг шароитига мос йўл танлашга имкон берадиган кўп каналли модель шаклланишини кўрсатади.

Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш юзасидан кўрилатган чоралар ҳам кенг аҳоли қатламини қамраб олиб, ёшлар бандлигини таъминлашда самарали усул экани исботини топиб улгурди. Шу жумладан, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларини доирасида 80 минг 146 нафар ёшга 1 триллион 378,9 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратилган. Бу борада манзилли кўмак механизмларининг ўрни алоҳида. “Ёшлар дастури”га киритилган 26 минг 757 нафар ёшга субсидия ажратилгани ва бандлигига кўмаклашилгани буни тасдиқлайди.

Ушбу амалиёт умумий қўллаб-қувватладан кўра аниқ эҳтиёжга йўналтирилган механизм сифатида қадрланади, chunkи бундай тартиблар одатда шаффоф мезонлар, ариза ва кўриб чиқиш жараёнлари орқали юритилади, бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағларидан субсидия ҳақда қаралар ажратилиш бўйича ҳуқуқий тартиблар расмий ҳужжатларда белгиланган. Шу билан бирга, давлат дастурлари доирасида бандлик масаласи стратегик вазифа сифатида қўйилиб, “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” концепцияси билан уйғун йўналишда давом эттирилди.

Ижтимоий ҳимоя

Ўтган йилда ёшларга оид давлат сиёсатида ижтимоий ҳимоя масаласи фақат моддий кўмак бериш доираси билан чекланмай, ёш авлодининг ҳаётдаги барқарорлигини таъминлаш, уларнинг муаммоларини эрта аниқлаш, ҳавф омилларини қамайтириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, муҳитни соғломлаштириш сингари йўналишларини бир занжирга боғлаган ёндашув сифатида намоён бўлди.

Президентимизнинг 2025 йил 30 январдаги “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини молиялаштириш тартиб-таомилларини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони эса ёшлар ижтимоий ҳимояси тизимини мазмунан қайта кўриб чиқишга қаратилган муҳим

ҳужжат бўлди. Ушбу фармон орқали “Ёшлар дастури” ва бошқа ижтимоий дастурлар доирасида кўрсатиладиган ёрдамлар ягона ёндашув асосида тартибга солиниб, молиявий кўмакнинг манзиллилиги, шаффофлиги ҳамда реал эҳтиёжларга мослиги асосий мезон сифатида белгиланди. Ёшлар билан ишлаш фақат рўйхатга олиш ва бир марталик ёрдам беришдангина иборат бўлмай, уларнинг ҳаётини вазиятини чуқур таҳлил қилиш, ижтимоий ҳавф омилларини олдиндан аниқлаш ҳамда индивидуал ривожланиш йўллариини белгилашга йўналтирилган тизим сифатида шакллантирилди.

Фармоннинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, у ижтимоий ёрдамни бандлик, таълим ва касбга йўналтириш чораларидан ажратилган ҳолда эмас, балки ўзаро боғлиқ ягона механизм сифатида кўришни назарда тутди. Грантлар, субсидиялар, ссудалар ва бошқа қўллаб-қувватлаш инструментлари ёшларни мустақил даромад топишга, касбий барқарорликка эришишга ундовчи восита сифатида қайта талқин қилинди.

Ижтимоий ҳимоянинг муҳим йўналиши сифатида тарбияси оғир, назоратга муҳтож, турли ҳавф омиллари таъсирида қолган ёшлар билан манзилли ишлаш қўламини кенгайтириш. Хусусан, тарбияси оғир 51 минг 455 нафар ёш 6 та ҳуқуқ-тартибот ва муфозаа органларининг 4155 нафар масъулари назоратига берилиб, учрашувлар натижасида 48 минг 747 нафар ёш соғломлаштирилди, ҳаётда ўз ўрнини топишга кўмаклашилди. Мазкур йўналишда эътиборга молик натижалардан бири шунки, улардан ҳуқуқ ижобий томонга ўзгарган 22 минг 931 нафари оталиққа олган масъул қафиллиги остида муддатидан олдин пробация ва профилактика ҳисобидан чиқарилган. Бу ерда пробация институти масаласига ҳам эътибор қаратиш зарур, chunkи пробация назорати остидаги шахслар билан ишлашда инсонпарварлик, қонунийлик, қайта ижтимоийлашув тамойиллари давлат сиёсатида алоҳида йўналишга, бу ёндашувнинг ҳуқуқий асоси сифатида “Пробация тўғрисида”ги қонун қабул қилинган ҳам тизимнинг мустаҳкамланишига хизмат қилди.

Профилактика ва ижтимоий ҳимоя самараси ўлароқ, ёшлар жиноятчилиги ўтган йилнинг 11 ойида 17 фоизга камайган, 4388 та ҳудуд “ёшлар жиноятчилигидан холи маҳалла”га айланган. Бу натижа кўп бўғинли механизмларнинг умумий самараси ҳисобланади: оталиққа олиш, пробация ва профилактика амалиёти, маҳалла раислари билан ҳамкорлик, ижтимоий муҳитни соғломлаштириш, тарбиявий тадбирлар, муаммолар билан ишлаш, мураккаб тоифадаги ёшларни қайта йўналтириш кабилар бир-бирини тўлдирганида шундай кўрсаткич юзага чиқади.

Таъкидлаш керакки, ёшлар билан ишлашда қабул қилинаётган қарорлар қатъийлик пухта бўлмасин, улар маҳаллада ижро этилмаса, кутилган натижани бермайди. Шу боис, 2025 йилда “маҳалла еттиглаши”нинг муҳим бўғини сифатида ёшлар етакчилиги фаолиятини методик, ташкилий ва кадрлар сиёсати жиҳатидан мустаҳкамлаш устувор вазифага айланди. Маълумотларга кўра, ижтимоий лифт дастури асосида йил давомида 338 нафар ёшлар етакчис ижобий лавозимларга кўтарилди, бу умумий етакчилар сонининг қарийб учдан бир қисmini ташкил этади. Ушбу кўрсаткич ёшлар етакчиси лавозимига вақтинчалик ёки иккинчи даражада босқич сифатида эмас, балки давлат бошқаруви тизимида реал кадрлар захирасини шакллантирувчи муҳим мактаб сифатида қаралаётганини англашди. Шу тариқа 2025 йилда ёшларга оид давлат сиёсати унинг амалий натижалари билан, балки аниқ сиёсий қарош, равшан стратегия йўналиш ва очиқ мулоқотга таянган бошқарув услуби билан ҳам ажралиб турди. Давлатимиз раҳбарининг ёшларга бўлган ишончи ва уларни янги Ўзбекистон тараққиётининг асосий кучи сифатида кўриши мазкур сиёсатнинг ички мантиғини белгилаб берди. Бу ёндашув ёшларнинг бугунги имкониятларини кенгайтириш билан бирга мамлакатнинг эртанги ривожини учун мустаҳкам пойдевор яратишга хизмат қилмоқда.



доирасида ўтказилган танлов ва мусобақаларда 10,9 миллион нафар ёш иштирок этди. Маданият ва санъат йўналишида 1 миллион, спорт йўналишида 7,2 миллион, китобхонлик ва интеллектуал ўйинлар доирасида 2,7 миллион нафар ёш қамраб олинди. “Долзарб 90 кунлик” тадбирларида эса лойиҳалар, танловлар, мусобақалар ва саёҳат дастурлари орқали 6,7 миллион нафар ёш жалб қилинган. Бу тадбирлар ёзги таътил вақтининг ёшларнинг бўш вақтини ижтимоий фойдали фаолият билан тўлдирish, уларни турли салбий таъсирлардан ҳимоялаш, жамоатчилик фаолигини оширишга хизмат қилди.

Алоҳида лойиҳалар доирасида ҳам қамров янада ошган. “Ибрат фарзандлари” лойиҳасида 2,9 миллион нафар ёш, “Қизлар академияси” лойиҳасида 620 минг нафар хотин-қиз, “Ustoz AI” лойиҳасида 831 минг, “Мутолаа”

нинг бандлигини таъминлашга қаратилган бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ёшларнинг меҳнат бозорига киришини босқичма-босқич таъминлашга қаратилган тизимли механизмнинг белгилаб берди. Хужжатга кўра, ўзини ўзи банд қилиш, касаначилик, кичик бизнес ва стартап ташаббусларини қўллаш орқали барқарор даромад манбаларини шакллантириш устувор йўналиш сифатида кўрсатилди. Хусусан, “Бизнесга биринчи қадам” тамойили асосида ёшларни касбга йўналтириш, молиявий ресурсларга кириш имкониятларини кенгайтириш, ҳудудларда мавжуд иқтисодий салоҳиятдан келиб чиқиб, лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш механизмлари белгиланди. Таълим — касб — даромад занжири ягона сиёсий мантиққа бирлаштирилди.



6

МЕЗОН

2026 йил 9 январь, 5-сон

Маҳалла ва яхши қўшничилик жамиятимизда узок йиллар давомида шаклланган, бир-бирини ҳурмат қилиш ва қўллаб-қувватлашга асосланган эзгу кадриятларимиздан. Мухим жиҳати шундаки, улар ижтимоий муносабатларни мустаҳкамлаб, одамлар ўртасида ишонч ва ҳамжиҳатлиқни ривожлантиришга хизмат қилади.

Изҳор

УЛКАН МАРРАЛАР ЗАБТ ЭТИЛАДИГАН ЙИЛ

Фаррух ЮНУСОВ,
Ўзбек миллий мақом санъати
маркази директори

Бу эса, ўз навбатида, жамиятдаги ижтимоий капитални бойитиш ва барқарорлиқни таъминлайди, ҳар бир инсоннинг фаол иштирокчини рағбатлантириб, умумий фаровонликка ҳисса қўшади.

Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси юқорилиги ушбу институт, аввало, ижтимоий бирдамлик манбаи эканини кўрсатади.

Шу боис, Президентимиз ўз Мурожаатномасида тарих давомида қандай оғир синовларга дуч келмайлик, аввало, бирдамликдан куч олганимизни, машаққатли кунларда одамлар ва маҳалла аҳли бир-бирига елкадош бўлиб, барча қийинчиликларни енгиб келганини, шундай ноёб қадриятга доимо содиқ қолишимиз ва ёш авлодни айнан шу руҳда тарбиялашимиз зарурлигини алоҳида қайд этди.

— Бугунги кунда жамиятимизда турли хил фикр ва қарашлар бўлиши табиий. Бу — демократиянинг бирламчи талаби. Аммо миллати, тили ва динидан қатъи назар, 38 миллионли эл-юртимизни бирлаштирадиган улғур бир ғош бор. У ҳам бўлса, Ватан манфаати, халқимиз

Ҳар бир соҳанинг жасоратли кишилари бўлади. Улар бир қарашда оддий, эл қатори кўринадиган, аммо ботинидаги кучли ирода, матонат сабаб олға интиладиган шахслардир.

uz_official

Очерк

“БАРЧАСИГА ИМЖОН ТОПА ОЛДИМ...”

Богбон Акбар Ҳасановнинг жасорати

Шахрисабзлик Акбар Ҳасанов Кишлоқ хўжалиги ходимлари куни арафасида “Жасорат” медали билан тақдирланди. Албатта, ҳар бир соҳанинг жасоратли кишилари бўлади. Улар бир қарашда оддий, эл қатори кўринадиган, аммо ботинидаги кучли ирода, матонат сабаб олға интиладиган шахслардир. Шу боис, улар ёнгинамизда яшаса ҳам жасоратига қўпинча эътибор қилавермаймиз. Шукрки, дунёда адолат, уни рўёбга чиқарадиган одамлар бор. Давлатимиз раҳбари ҳам Акбар Ҳасановнинг интилишларини эътибордан четда қолдирмади. Уни барчамизга намуна қилиб кўрсатди. Биз унинг ҳаёти ва фаолият йўли билан сизларни ҳам таништиришни лозим топдик.

мафсаатидир. Мана шундай буюқ мақсадга эришишда маҳалла тизимининг ўрни ва таъсири бекиёс. Чунки маҳалла тинч ва аҳил бўлса, жамиятимиз тинч ва ҳамжиҳат бўлади. Маҳалла ривожланса, бутун мамлакатимиз юксалади, — деди Президентимиз.

Шуларнинг барчасини ҳисобга олиб, давлатимиз раҳбари 2026 йилни юртимизда “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилишни тақлиф қилганида мен бу танловнинг но-жиҳатларини илғаш билан бирга унинг нақадар чуқур ўйланганидан чин маънода ҳайратландим. Боиси, янги йил учун танланган ном жамиятимизнинг бугунги ҳолатини ҳам, эртанги эҳтиёжини ҳам аниқ ифодалаб беради. Уни эшитган заҳоти залдаги барча иштирокчилар сингари камина ҳам бу номнинг тасодифий эмаслигини, у халқ истаклари ва талабларидан келиб чиққанини англадим.

Сўнгги йилларда қабул қилинган ҳар бир муҳим қарор ва амалга оширилган ислохотлар қуввати маҳаллаларда, бевосита одамларнинг ҳаётида акс этмокда. Маҳалла инсоннинг кундалик ҳаёти, дардию қувончи, муаммоси ва орзу-умиди бирлашган

Навоий вилоятида “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ногиронлиги бўлган 48 минг 335 фуқарога хизмат кўрсатиб келяпти. Улар орасида ўқувчи ёшлар ҳам бор. Бу ўғил-қизларни инклюзив таълимга жалб этиб, истеъдодини рўёбга чиқаришга жиддий эътибор берилмокда.

СЕН ИСТЕЪДОДЛИСАН, БОЛАЖОН!

Булоқ кўз очди

Бундай эътибор кўплаб ёшларга имкониятлар эшигини очмокда. Жумладан, инклюзив таълим Зарафшон шаҳри Ёшлик маҳалласида яшовчи Дирёбек Музаффаровнинг ҳаётида муҳим ўзгаришларга сабаб бўлди. Қаҳрамонимизга болалар серебрал фалажлиги ташхиси қўйилган. Шу боис, у 5 йил уйда таълим олди. Жорий ўқув йилидан бошлаб Дирёбек Зарафшон шаҳридаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг инклюзив синфига қўшилди.

Янги муҳит, эътибор, қўллаб-қувватлов, синфдошлари билан бирга ўқиш имконияти унга куч, ишонч ва имконият берди. Айниқса, вокал тўғрагидаги машғулотлар унинг яширин истеъдодини юзага чиқарди. Дирёбек “Сен истеъдодлисан” танловида муваффақиятли иштирок этиб, танловнинг республика босқичида 1-ўринни қўлга киритди. Шунинг ўзиде инклюзив таълимнинг афзаллиги, юртимиздаги ислохотлар одамлар ҳаётини қанчалик ижобий томонга ўзгартираётганини амалда намён этди.

— Ўғлим Дирёбекни мактаб жамоаси ва тенгдошлари ҳам яхши қабул қилди, — дейди Шаҳноза Ражабова. — Синфдошлари билан аҳил-иноқ бўлиб, ўқишга киришиб кетди. Тез орада ўғлимнинг билим олиши ва фикрлаш қобилиятида яхши томонга ўзгаришлар кузатилди. Аввал камгап эди, ҳозир эса эркин савол-жавоб қилиб, фикрларини теран ифо-

функционаллиги ва соғлиғини тиклади. Бундан ташқари, ногиронлиги бўлган 6551 кишининг бандлиги таъминланди. Му.ihma.uz платформаси орқали эса 600 нафари ишга жойлашди. Қолаверса, психологик-тиббий-педагогик комиссия хулосалари асосида ногиронлиги бўлган 1256 болага инклюзив таълим учун тавсия берилди. Жараёнда ногиронлиги бўлган болаларнинг таълим олиши учун барча зарур шароит яратилмокда. Жумладан, 263 болада алоҳида таълимга эҳтиёж бор эди. Улар вилоятда ташкил этилган 14 та кундузги парварishiш хизмати марказларига қамраб олинди. Қолган 326 бола 135 та мактабда ташкил этилган инклюзив синфларга жалб этилди.

Дарҳақиқат, бундай ўзгаришлар Дирёбек каби кўплаб ёшларнинг орзусини рўёбга чиқармокда. Уларда ўзига бўлган ишончни мустаҳкамлаб, ҳаёт йўлини топиб олишда муҳим роль ўйнапти.

— Мактабда ўқиш яхши экан, — дейди Дирёбек Музаффаров. — Жуда кўп дўстлар орттирдим. Улар менга ҳар томонлама кўмак бермокда. “Сен истеъдодлисан” танловининг республика босқичида “Ўзбекистон” қўшиғини ижро этдим. Тўғриси, голиб бўламан деб ўйламагандим. Исмим айтилгач, мен учун мўъжиза рўй бергандай бўлди. Келажақда санъат сирларини пухта эгаллаб, хонанда бўлмокчиман. Мақсадимга эришиш учун кўпрок меҳнат қилишим кераклигини биламан. Ота-онам, маҳалламиз ижтимоий ҳодими, устозларим ва дўстларим яқиндан кўмак бермокда. Атрофимда шундай инсонлар бор экан, албатта, мақсадимга эришаман.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Шундай дамларда синфдошлари унга ҳавас билан қарши ёқимли эди. У югуриши ва баландликка сакрашда ҳам илгор бўлган. Шу боис, доим “Келажақда чемпион бўламан”, дерди. Учинчи синф ўқувчисининг икти-дори устозларини ҳам ҳайратлантирарди. Ота-онаси Акбар бир оз улғайса, спорт тўғраига беришни ният қилганди. Аммо кутилмаган аянчи воқеа боланинг тақдирини ўзгартриб юборди.

Энди 10 ёшга кирган Акбар Ҳасанов автохалокатга учради. Оқибатда икки оғининг тиззасидан паста кесилди. Қулфат шўх-шодон юрган болакайни ўзгартирди. Акбарнинг ўзига келиши осон кечмади. У энди бошқалар қатори юриш имконияти йўқлигини қабул қилиши қийин эди. Лекин тақдирга тан бермасликдан ўзга чора йўқ. Катталарнинг маслаҳати билан ўзига таскин берадиган бўлди. Атрофга боқиб, ҳаётда ёлғиз ўзи шу кўйга тушмаганига амин бўла бошлади. Ўзини ўзи кўнктириб, олдинга интилишга куч топди. Аввало аравачада ҳаракатланиб, ўртоқларига қўшилмокчи бўлди. Маҳалла ўйингоҳида тўп тепаётган болалар яқинига борди. Четда туриб, ўйинни томоша қилди. Гоҳида

ганидек, протезга ўрганиш осон кечмади. Барча азобларга чидади. Турли машғулотларни бажариб, ўзини мослаштириб борди. Кўп ўтмай, орзуси амалга ошди. Энди у одамлар орасига қўшилиб, ҳаракатланадиган бўлди.

— Тўғриси, шу пайгача бир дақиқа ҳам бошқалардан ортда қолганим йўқ. Имкониятим чекланган деб бекор ўтиришни ёқтирмайман. Доим олдинга интилиб яшашни яхши кўраман, — дейди Акбар Ҳасанов. — Болалигимдан бирон ишни бажаришни мақсад қилдимми, шунга эришганман. Ўртоқларим орасида фақат биринчи бўлишни ёқтирардим. Иккинчи гуруҳу ногирони бўлиб қолганимдан сўнг ҳаётда ўз ўрнини топишмда ўртоқларимнинг ҳиссаси катта. Улар билиб-билмай менга руҳий қувват берган. Қўпинча тенгдошларим коптоқ ўйнаб, мени ўйинга чорларди. Бундай пайтда ҳақлим чиқарди. Барибир аввалгидай ҳаракат қиламан деб аҳд қилардим. Бу мени тушқунликдан олиб чиқши билан бирга ҳаётда ўз ўрнини топишимга сабаб бўлди.

Акбар аканинг матонати, саботи бошқаларга ўрнак бўлмокда. Жумладан, мамлакатимизнинг энг балад нуқталаридан

бири Ҳазрати Султон чўққисини забт этган. Тўрт мучаси соғ инсон ҳам осонликча чиқа олмайдиган чўққига қўтарилиш осон иш эмас! Қаҳрамонимиз ҳаётида бундай ми-соллар кўп. Эътиборлиси, Акбар Ҳасанов ўзи туғилиб ўсган Шахрисабз туманида каттагина бог барпо этиб, салмокчи ҳосил оляпти.

— Илгари қўшни вилоятлардан мева олиб келиб сотардим, — дейди Акбар ака. — Ишим ёмон эмасди. Топганим рўзгорга етарди. Айрим вақтларда мева олиш учун жуда ажойиб богларга бориб қолардик. Ҳосилни кўриб ҳавасим келарди. Шундай пайтлари: “Қани энди ўз боғим бўлса”, дея кўнглимдан ўтқазардим. Аста-секин бу ис-так мақсадга айланди. Сўнг ҳар бир богқа кирганимда эътибор қиладиган бўлдим. У ердан нимадир ўрганишга интилдим. Жараёнда кўп богбонлар билан суҳбатлашиб, тажрибасини ўргандим. Хуллас, етарлича малака тўплаб, иш бошладим. Шу тариқа “Ҳасанов Акбар Муҳаммадиевич” масъулияти чекланган жамиятига асос солиб, 12 гектарда мевали дарахтлар ўтқаздим. Ҳар бир ниҳолни парварishiлаб, ўстирдим. Ҳозир мазкур богдорчилик жамиятида им-конияти чекланган тўрт киши иш билан таъминланган. Хўжалик тасарруфидида 12 гектар майдоннинг 4 гектари анор, 7 гектарига эса гилос экилган. Чорва ва пар-рандачилик учун бир гектар ажратилган. Бундан ташқари, 12,5 сотих ерда иссиқхо-на бор. Унга экилган лимон 2025 йилда 5 тоннадан зиёд ҳосил берди.

Богбоннинг айтишича, гилос дарахти Шахрисабз иқлимига мослаша олмаган. Кутилган натижа бермагани боис, келгуси-да унинг ўрнига ёнғоқ экилади.

— Давлатимиз раҳбарининг фармо-нига кўра, “Жасорат” медалини олганим менга катта куч берди, — дейди қаҳра-монимиз. — Бундан руҳланиб, янада кўп ишлашни мақсад қилдим. Мукофот камтарона меҳнатим учун рағбат бўлди. 2026 йилда янги лойиҳаларни амалга ошириб, қўшимча иш ўрни очишни мақ-сад қилганмиз. Мухим, ҳар бир меҳна-тимиз юртга, элга наф келтирсин.

Акбар Ҳасановнинг ишлари ҳақиқий жасорат! Олис бир тумандаги оддий бог-боннинг ана шундай интилиши ва мато-нати эътиборда экани эса кишига рағбат беради. Эртанги кунга ишончини мустаҳ-камлайди.

Акбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

GAZETA
DA
GIZ
BIR
KUN

GAZETA
DA
GIZ
BIR
KUN

GAZETA
DA
GIZ
BIR
KUN

GAZETA
DA
GIZ
BIR
KUN

GAZETA
DA
GIZ
BIR
KUN

GAZETA
DA
GIZ
BIR
KUN

GAZETA
DA
GIZ
BIR
KUN

GAZETA
DA
GIZ
BIR
KUN

GAZETA
DA
GIZ
BIR
KUN

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавоббар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbотот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-146.
32015 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Одсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” нашириёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюқ Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Муножат Мўминова
Мусахҳис: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуришд Абдуллаев

Манзилнинг:
100060, Тошкент шаҳри,
Шахрисабз кўчаси, 85-уй

Ўза яқуни — 20:30 Топширилди — 22:25

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05